

**ЎЗБЕК ТИЛИ****7-синф****5-вариант**

**№ 1.** Содда гап берилган қаторни аниқланг.

- а) Мирзачўл яшнамоқда, қўриқ ерлар ўзлаштирилмоқда.  
 б) Наврўз байрами бошланди.  
 в) Иш сени енгмасин, сен ишни енг.  
 г) Иш анча қийин эди, аммо биз бўш келмадик.

**№ 2.** Қайси қатордаги сўзларда а ва о ҳарфлари тўғри ёзилган?

- а) нағоро, авоз, азгина  
 б) жадвал, мавжуд, соғлом  
 в) котта, космодром, муаммо  
 г) новкар, новбат, номоён

**№ 3.** Синонимлар қўлланган қаторни аниқланг.

- а) ёғ тушса ялағудак, тоза, ораста  
 б) сувга тушган бўлка нондек, қўй оғзидан чўп олмаган, ерга урса кўкка сачрайди  
 в) дўпписини осмонга отмоқ, оғзи қулоғида  
 г) юлдузни бенарвон урмоқ, тегирмонга тушса бутун чикмоқ, уддабурон

**№ 4.** Олмош қатнашган гапни белгиланг.

- а) Бу йил минг гектарга чигит экдик.  
 б) Чумчуқлар шоҳдан шоҳга сакраб чиркиллайди.  
 в) Ахмад бароқ мушугини жуда яхши кўради.  
 г) Комил бешинчи синфда ўқийди.

**№ 5.** Олмош қатнашмаган гапни аниқланг.

- а) Ўзимиз қурдирган бинолар бу.  
 б) Ҳамма ҳашарга жўнади.  
 в) Бизнинг ҳовлимиз жуда катта.  
 г) Малика жуда ҳушёр қиз эди.

**№ 6.** Қуйидаги гапларнинг қайси бирида олмош берилмаган?

- а) Унинг ўзи ёш, лекин зийрак бола.  
 б) Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил.  
 в) Фарида бўлган воқеани айтиб берди.  
 г) Ўз ошим, ғавғосиз бошим.

**№ 7.** Қайси қатордаги сўзларда ёнма-ён келган ҳар хил ундошлар нотўғри ёзилган?

- а) мавзе, мавзу, мавж  
 б) ситқидил, нухса, шавқат  
 в) тўйхат, тўйбоши, тезфаҳм  
 г) мухбир, машгул, муғамбир

**№ 8.** Қайси кўп маъноли сўз берилган гапларда ўз маъносида қўлланилган?

- а) У тобут орқасидан бошини эгиб борарди.  
 б) Кўчанинг бошида Салимахон кўринди.  
 в) Комил патнисда икки бош узум келтирди.  
 г) Бу ишнинг бошида Зулфикоров турарди.

**№ 9.** Омоним сўзлар берилган қаторни аниқланг.

- а) яра, сон, кул  
 б) дўст, биродар, ўртоқ  
 в) йиғламоқ, ширин, гўзал  
 г) бош, катта, соғ

**№ 10.** Антонимлар берилган қаторни аниқланг.

- а) эринчоқ-ғайратли, тепса-тебранмас - эпчил  
 б) камтар, ишчан, эпчил  
 в) шўх-ювош, қўй оғзидан чўп олмаган, довон-девон  
 г) рухсат бермоқ-тақиқламоқ, саводли-саводсиз, илик-илк

**Баллни баҳога айлантириш шкаласи**

Ҳар бир топшириқ 1 балл билан баҳоланади. Жами топшириқларнинг миқдори - 10

баллари	баҳо
0-3	«2»
4-5	«3»
6-7	«4»
8-10	«5»